

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

МИРЗАКАБИЛОВ БЕКБОЛАТ САФАРОВИЧ

**ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАР АВАРИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ
ФАЛОКАТЛИ СУВ ТОШҚИНЛАРИ ЮЗАГА КЕЛГАНДА АҲОЛИ ВА
ХУДУДЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат,
ядро ва радиация хавфсизлиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Мирзакабилов Бекболат Сафарович

Гидротехник иншоотлар аварияси билан боғлиқ фалокатли сув тошқинлари юзага келганда аҳоли ва худудларни муҳофаза қилиш усулларини такомиллаштириш.....3

Мирзакабилов Бекболат Сафарович

Совершенствование способов защиты населения и территории при катастрофическом затоплении в результате разрушения гидротехнического сооружения.....21

Mirzakabilov Bekbolat Safarovich

Improvement of methods of protection of the population and territory in the event of catastrophic floods associated with an accident of a hydraulic structure.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

МИРЗАКАБИЛОВ БЕКБОЛАТ САФАРОВИЧ

**ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАР АВАРИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ
ФАЛОКАТЛИ СУВ ТОШҚИНЛАРИ ЮЗАГА КЕЛГАНДА АҲОЛИ ВА
ҲУДУДЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат,
ядро ва радиация хавфсизлиги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T2022 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ipb.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ибрагимов Баҳром Тошмуратович**
техника фанлари доктори, доцент

Расмий ошпонентлар: **Хотамов Асадулла Тоштемирович**
техника фанлари доктори, доцент

Абдурахманова Азода Джураевна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси хузуридаги PhD.40/30.12.2020.T.129.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 29 декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янги ҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Телефон: (71) 258-56-57; факс (99871) 258-56-57; E-mail: info@akademiyafvv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 6 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янги ҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. Телефон: (71) 258-56-57; факс (99871)258-56-57; E-mail: info@akademiyafvv.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил 15 декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил 29 октябрдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



Ш.Э.Курбанбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
уринбосари, техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Х.М.Дусматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, кимё
фанлари номзоди

Ф.Н.Нурқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси уринбосари, техника фанлари доктори,
катта илмий ходим

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда гидротехник иншоотлар аварияси билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар натижасида юзага келадиган сув тошқинлари, аҳоли ва ҳудудларга талофат етказиш жиҳатидан етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Ўтган 2020 йилда жаҳонда 4.264 миллион киши фалокатли сув тошқинлари ҳудудидан эвакуация қилиниши натижасида, етказилган моддий зарарнинг ҳажми 254 млрд. АҚШ долларини ташкил этган¹. Ҳозирги кунда ер юзида юз мингдан ортиқ потенциал хавфга эга бўлган сув омборлар мавжуд бўлиб, уларнинг атрофида яшаётган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, сув тошқини хавфи ҳудудидаги аҳолини хавфсиз ҳудудга кўчиришга тайёрлаш, аҳоли эвакуациясининг марказлашган ҳолда амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш муаммоларини илмий ёндашган ҳолда ечимини топиб, амалиётга жорий этиш ҳам муҳим масалалардан бири саналади. Гидротехник иншоотлар аварияси билан боғлиқ фалокатли сув тошқинлари ҳажми ва талофати ошиб бораётганлиги сабабли, сув тошқинлари юзага келганда ва сув омборларининг бузилиши эвазига аҳоли ва ҳудудлар муҳофазаси, тезкорлик билан эвакуация қилиш усулларини такомиллаштириш масаласи кенг кўламли илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақоза этмоқда.

Жаҳонда гидротехник иншоотларнинг кўп қисми сув омборлар ҳисобланиб, улар асосан электр энергиясини ишлаб чиқариш, экинзорларни суғориш ҳамда баҳорги сув тошқинларини бошқариш учун мўлжалланганлиги билан аҳамиятли бўлиб, давлат иқтисодиётида муҳим ўрин тутаяди. Шу билан бирга, гидротехник иншоотлар тўғонининг пастки қисми ва яқин ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг ҳаётига, қишлоқ хўжалиги инфратузилмаларига салбий таъсир кўрсатувчи ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятини издан чиқарадиган потенциал хавфли объект манбаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамизда ҳам потенциал хавфли объект ҳисобланадиган гидротехник иншоотларнинг, барқарорлигини таъминлаш борасида, уларнинг хавфсиз эксплуатацияси масаласида бажарилаётган, тизимли равишда ташкилий ва амалий тадбирлар ўтказиш кўламининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу ўринда, гидротехник иншоотларнинг фалокатли сув тошқинлари хавфи таъсир юқори бўлган ҳудудларларнинг муҳандислик муҳофазасини таъминлаш, сув тошқини хавфи юқори бўлган аҳоли яшаш пунктларини, иқтисодиёт тармоқларининг хавфсизлигини таъминлаш, сув тошқинлари талофатидан аҳолининг жабрланишини, атроф муҳитга етказадиган иқтисодий ва экологик зарар миқдорини камайтириш, авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган амалий ишларни такомиллаштиришга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш борасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарурияти туғилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар

¹ <http://www.rshu.ru/university/notes/archive/issue43/uz43-26-38.pdf>

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 2 майдаги “2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чоратadbирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-2947-сонли қарори, 2020 йил 26 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 515-сонли қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII “Ер тўғрисида фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёларни қайта ишлаш)” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гидротехник иншоотларнинг аварияси натижасида фалокатли сув тошқинлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш усуллари такомиллаштириш ва тадқиқ этиш билан хорижда Л.А.Гордон, В.Н.Дурчева (Беларуссия), А.П.Епифанов, Л.А.Золотов, Н.Н.Розанов, О.Д.Рубин, А.И.Савич, В.С.Серков, Д.В.Стефанишин, (Россия), В.З.Хейфиц, С.Г.Шульман (Германия), Д.А.Ивашинцов, А.Б.Ващенко, Г.М.Каганов В.И.Щербина (Украина) тадқиқотчилари шуғулланишган. Сув омборлари тўғонларининг ишончлилигини ошириш назарияси ва амалиётини такомиллаштириш бўйича Ю.М.Косиченко, В.В.Малаханов, А.Н.Марчук, Ю.Б.Мгалобелов, О.Н.Носова, В.В.Орехов, Д.Б.Радкевич, Л.Н.Рассказов ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Аҳоли ва ҳудудлар муҳофазасининг янги усуллари ишлаб чиқиш ва ривожлантириш бўйича тадқиқотлар И.Ф.Блинов, В.И.Бронштейн, А.Г.Василевский, А.Б.Векслер, В.И. Волков, В.А.Волосухин Э.Г.Газиев ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикада фалокатли сув тошқинларидан аҳолини муҳофазалаш, гидротехник иншоотларнинг барқарорлигини ошириш борасида тадқиқотлар А.Л.Холматова, Э.И.Оролбоев, Т.А.Сарсенбеков, Е.С.Бадашев, А.Н.Зириянов, Н.А.Абдуллаев, К.Т.Баллиев, Т.Т.Камалов, Б.Б.Хасанов, М.Р.Бакиев, Э.Махмудов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар гидротехник иншоотларда юз берган авария оқибатида содир бўладиган фалокатли сув тошқинларидан аҳоли ва ҳудудларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи бўйича олиб борилган изланишлар, олинган таҳлилий маълумотлардан маълумки, аҳолини фалокатли сув тошқинларидан муҳофазаланишга тайёрлаш ва тезкорлик билан эвакуация қилиш масаласини асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ва БВ-Атех 2015 “Фавқулодда вазиятларда аҳоли ва ҳудудларнинг мухандислик муҳофазасини

таъминлаш самарадорлик даражасини кўтариш” (2015-2018 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гидротехник иншоотларнинг бузилиши натижасидаги фалокатли сув тошқинларидан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш ва тезкор хабар бериш усуллари асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гидродинамик авариялардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш усуллари кенг ўрганиш борасида тадқиқотлар олиб бориш, эҳтимолли фалокатли сув тошқинлари ҳудудларида тажриба ва табиий кузатувлар ишларини таҳлилий тадқиқ этиш;

гидротехник иншоотларнинг вайрон бўлиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган вазиятни аниқлаш, авария-қутарув ишларига жалб этиладиган куч ва воситаларни ҳамда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш усулини ишлаб чиқиш;

фалокатли сув тошқинлари ҳудудида эвакуация тадбирларини ташкиллаштириш мақсадида, аҳолининг демографик қатламини, экспериментал тадқиқотлар ва табиий кузатувлар ўтказиш услубиятини тадқиқ этиш;

фалокатли сув тошқинлари эҳтимолига оммавий йиғиладиган масканлардан аҳолини хавфсиз эвакуация қилиш мезонларини танлаш режасини ишлаб чиқиш;

эвакуация тадбирларини ташкиллаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган, илмий асосланган техник иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашни самарали баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти гидротехник иншоотларнинг бузилиши натижасида фалокатли сув тошқинлари ҳудудига тушувчи аҳоли ва ҳудудлар, жамоатчилик бинолари ва иқтисодиёт тармоқлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети фалокатли сув тошқинларини келтириб чиқарувчи гидротехник иншоотлар, сув омборлари, йирик каналларнинг аҳоли ва ҳудудларга хавфлилик кўрсаткичлари, математик моделлар, аҳолининг тайёргарлик кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ҳаракат қонуниятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида гидротехник иншоотларнинг қиёслаш, содир бўлган фалокатли сув тошқинларининг амалий ва назарий таҳлили, амалий тажриба-синов (эксперимент) усуллари, тадқиқот натижаларини умумлаштириш, математик моделлаштириш ва иқтисодий самарадорликни баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гидротехник иншоотларнинг хавфи ҳудудида жойлашган фалокатли сув тошқинларидан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилишда, аҳолининг жойлашиш ҳолатини инобатга олган ҳолда, тезкорлик билан эвакуация қилишнинг янги самарали усуллари ишлаб чиқилган;

фалокатли сув тошқинлари вақтида жамоат биноларининг ўзига хос хусусиятларига кўра, эвакуациянинг бошланғич вақти, аҳоли сонининг функционал тоифасида антропометрик параметрлар билан жойлашган майдон

орасидаги боғлиқликнинг энг мақбул параметрлари илмий асосланган;

фалокатли сув тошқини эҳтимоли мавжуд оммавий йиғиладиган масканлардан эвакуация қилиш вақтида ҳаракатланиш тезлигининг одамлар зичлигига боғлиқлигини ифодаловчи тасодифий функция параметрлари, тезкорлик билан хабар бериш тизими ва механизмнинг янги усуллари ишлаб чиқиши эвазига, сув тошқини талофатлари ҳажмини 20-22% гача камайтириш имконияти мавжудлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Сув тошқини оқибатларини қисқа вақт ичида бартараф этишга жалб этиладиган фуқаро муҳофазаси хизматларининг куч ва воситаларининг энг оптимал таркиби сонининг тизимли тезкор ҳаракатланишининг илмий жиҳатдан асосланиши, авария кутқарув ишларини ташкиллаштиришнинг самарадорлик ҳажмини 15-20% гача яхшилашга эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гидротехник иншоотларининг бузилиши билан боғлиқ фалокатли сув тошқинлари вақтида аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича таклиф этилаётган хавфсиз эвакуация усубиятини ишлаб чиқиш орқали сув тошқинлари натижасида жабрланишларни сезиларли даражада камайтириш, аҳолига тезкорлик билан хабар бериш ва эвакуация вақтини қисқартиришга эришилган;

фавқулдда чиқиш йўллариининг ўлчамларини аниқлашда одамлар оқимининг ҳаракат шаклларида фойдаланиш натижасида, инсонларни бинолардан хавфсиз эвакуация қилиш жараёнида аҳолининг жароҳатланиш эҳтимолини камайтириш, эвакуация вақтини сезиларли даражада қисқартириш мумкинлиги илмий исботланган;

фалокатли сув тошқинлари вақтида аҳолини эвакуация қилиш жараёнини таснифловчи қийматлари асосида бинолардаги хавф қийматларининг илмий асосланган янги намунадаги аҳолини тайёрлов услубияти ишлаб чиқилган;

фалокатли сув тошқинлари вақтида аҳолининг оммавий йиғиладиган масканларда инсонлар зичлигининг асосий функционал қатлами учун хавфсизликни таъминлашга қаратилган ташкилий-техник ва илмий ечимлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг статистик усулларида фойдалангани, замонавий усул ва воситалар асосида амалга оширилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларининг ўзаро адекватлиги, фалокатли сув тошқинларидан аҳоли ва ҳудудларни самарали муҳофаза қилишнинг янги таклиф этилаётган усуллариининг амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Гидротехник иншоотларининг бузилиши натижасида фалокатли сув тошқинларидан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш усуллариини илмий асослаш ва қайта ишлашда фавқулдда вазиятларда муҳофаза қилишни таснифлаш имконини берди. Шу жумладан, фалокатли сув тошқинлари вақтида аҳолини эвакуация қилиш тадбирлари самарадорлини ошириш орқали талофатларни сезиларли даражада камайтириш усуллариининг бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилинди. Фуқаро

муҳофазаси тузилмаларига аниқ вазифаларни белгилаб бериш, гидротехник иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш вақтида хавфсизлик назоратини кучайтириш механизмини такомиллаштирилиши билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гидротехник иншоотларнинг хавфсизлик ҳолатини таъминлаш, яъни, “Жиззах” сув омбори тўғони бузилиши эҳтимоли ва бугунги кундаги мониторингини амалга ошириш ва фалокатли сув тошқини содир бўлиш эҳтимоли мавжуд ҳудудлардаги аҳолини тезкорлик билан огоҳлантиришнинг самарали ўқув синов ва автоматлаштирилган хабар бериш тизимини синовдан ўтказиш орқали талофатлар ҳажмини камайтиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Гидротехник иншоотлар аварияси билан боғлиқ фалокатли сув тошқинлари юзага келганда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Гидротехник иншоотларнинг бузилиши натижасида аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилишни илмий ва назарий жиҳатдан ривожлантириш учун тактик усулларни қўллаш, аҳолини эвакуация қилишда таклиф этилган янги, самарали усуллар механизм орқали талофатлар ҳажмини кескин қисқартиришга ва моддий зарар ҳажмини камайтиришга эришилган. (Жиззах вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармасининг 2021 йил 30 июнь кунги далолатномаси ҳамда 2021 йил 5 август кундаги 100-сонли маълумотномаси).

Натижада гидротехник иншоотларнинг аварияси вақтида аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш ва авария қутқарув ишларини тизимли ташкиллаштириш самадорлигини 15-20% гача яхшилаш имкониятини берган. (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 августдаги 03/27-2443-сонли маълумотномаси). Сув тошқинлари ҳудудига тушувчи аҳоли ва ҳудудларни муҳофазалаш самарадорлиги 15-20% гача яхшиланишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами, 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 2 та хорижий журналларда, 5 та Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 1 та илмий монографияда, 8 таси халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар тўпламларида нашр этилган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва қисқартма сўзлар рўйхатидан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб,

тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, ўрганилганлик даражаси ва тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гидродинамик авариялардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш усуллари**ни экспериментал тадқиқотлари таҳлили” номли биринчи бобида тадқиқот мавзуси билан боғлиқ наشر этилган илмий ишларнинг шарҳи берилган. Фалокатли сув тошқинларнинг юзага келиши, уларни юзага келтирувчи асосий омиллар, оқибатлари, сабаблари, шунингдек, гидротехник иншоотларнинг хавфсизлигини белгиловчи асосий мезонлар ҳамда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш усуллари юзасидан экспериментал тадқиқотларнинг қисқача таснифи бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Тўпланган манба ва адабиётлар таҳлилига асосан, сув тошқинларидан аҳолининг муҳофазасини ташкил этиш борасида, кўпгина олимларнинг илмий изланишларидан фалокатли сув тошқини ҳудудида аҳолини эвакуация қилишда энг самарали ва синалган усуллари ўрганилганда, фавқулодда вазиятлар вақтида тезкор эвакуация жараёнини қисқа вақтда марказлашган ҳолда ўтказиш ва амалга ошириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган қатор ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича ханузгача етарли илмий изланишлар олиб борилмаганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Гидротехник иншоотларнинг бузилиши натижасидаги вазиятни баҳолаш, аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза усуллари**нинг экспериментал тадқиқот методлари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот учун танланган объектларда, гидротехник иншоотнинг аварияси натижасида юзага келадиган муҳандислик вазиятига аниқликлар киритилган. Ҳисоблашда математик статистика ва эҳтимоллар назарияси асосида тезкор вазиятни башоратлаш усули орқали Жиззах вилоятидаги “Жиззах” сув омбори тўғони бузилишидан ҳосил бўлган тўлқиннинг баландлиги (1) формула ёрдамида ҳисоблаб аниқланди.


$$H_{т.0}=0,6H-h_1, \quad (1)$$

бунда, $H_{т.0}$ - 0 участкадаги тўлқин баландлиги; h – сув омбори тўғони баландлиги.

Шартли равишда тўғон пастки қисмида сув тошқини содир бўладиган асосий 50 км. масофани, 4 та шартли участкаларга ажратилиб, сув тўлқинининг етиб келиш жойларининг бошланғич участкалари аниқланади. Шу тариқа, ҳар бир ҳудудларга талофатли сув тўлқинининг етиб келиш вақти ўрганилди. Гидротехник иншоотларнинг аварияси натижасида аҳолини муҳофаза қилиш вақтини белгилаш, сувнинг тарқалиш тезлиги асосида, авария юз берган вақтдан ҳар бир нуктадаги аҳоли турар жойлари, жамоат бинолари, таълим

муассасалари, бошқа одамлар оммавий йиғиладиган масканларга сув тошқинининг етиб келиш тезлиги ва вақтини аниқлаган ҳолда аҳолининг хавфсизлиги таъминлаш ва эвакуация қилиш тизими ўрганилган.


Муҳофаза усуллариининг тезкорлик, иқтисодий тежамкорлик ва натижадорлик самарасини аниқлаш мезонлари иэрархия таҳлили асосида аниқланди. Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш усулларида $A1, q_{4,1} = 0,31$ энг катта коэффицент қийматга эга бўлиб, эвакуация усули, яъни, кўчириш тадбирларининг амалга оширилиши сув тошқинлари юзага келганда самаралироқ усул эканлиги илмий жиҳатдан исботланган. Талофатли сув тошқинлари эҳтимолига асосланган ҳолда, аҳолини тезкорлик билан эвакуация қилиш жараёни учта босқичда илмий жиҳатдан ўрганилган. “Хабар” автоматлаштирилган хабар бериш тизими орқали аҳолини сув тошқини юзага келиш эҳтимоли юқори бўлганда, эвакуация тўғрисидаги хабарни ҳар бир фуқарога етказиш имконияти яратилган (1-расм).



1-расм. Сув тўлқини фронтининг ҳаракатланиши тасвирланган

Ушбу синов ишлари “Жиззах”, “Навқа” ва “Қоравултепа” сув омборлари ҳудуди атрофидаги аҳоли билан ва объектларда ўқув синов тажрибалар ўтказилишига эришилган.

Олинган натижалардан сув тошқини оқибатида авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган тадбирларга жалб этиладиган куч ва воситаларнинг аниқ ҳисоби амалга оширилди. Сув тошқинидан сўнг, аниқ вазиятни баҳолаш учун разведка гуруҳи, сузиш мосламалари, жамоат тартибини сақлаш, сув тошқин ҳудудидаги аҳолини қутқариш кучлари ва воситалари сони, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, коммуникация тизимларидаги авария-тиклаш ишларига жалб этиладиган куч ва воситаларнинг илмий асосланган интенсив баландлигининг ҳисоби таҳлил қилинган. Тўғон ёрилиш жойида сув тўлқинининг ҳаракатланишида сув тошқини интенсивлиги илмий асосланган ҳолда ўрганилган (2-расм).



2-расм. Фалокатли сув тошқинлари вақтида сув тошқинининг ҳаракатланиш интенсивлиги. 1. Сув тошқинининг сокин ҳаракати. 2. Пассив ҳаракати. 3. Ўрта фаол ҳаракати. 4. Фаол ҳаракати

Сув тошқинлари ҳолатида тадқиқотнинг бинолар ва иншоотларда турли мақсадларда олиб борилганлиги билан боғлиқ бўлиб, сув тошқини ҳудудидаги аҳолини эвакуацияси жараёнида ҳаракат оқимини ташкил этувчи одамлар таркиби бир-бирларидан сезиларли даражада фарқ қилади. Тадқиқотларда сув тошқини ҳудудидаги объектлардан одамларнинг оқим зичлиги, одамлар сонининг нисбатига ёки уларнинг горизонтал проекциялари йиғиндисини, улар эгаллаган майдони (2) ва (3) формулалар орқали ифодаланди.


$$D = \frac{N}{b \cdot l}, \text{од/м}^2, \quad (2)$$

$$D = \frac{\sum_i N_i \cdot f_i}{b \cdot l}, \text{од/м}^2 \quad (3)$$

бунда, N_i – i -типдаги оқим таркибидаги, одамларнинг сони ($i = 1 \dots n$); b – эвакуация йўлак қисмининг кенлиги, м; l – эвакуация йўл қисми узунлиги, м; f – одамларнинг горизонтал проекциясининг ўртача майдони, м^2 . Ўтказилган кузатув ва ўқув синов тадқиқотларидан олинган илмий таҳлиллар асосида одамлар тезлигининг бинолардаги оқим зичлигига боғлиқлигини ўрганилишига эришилган (3-расм).

Фалокатли тошқинлар эҳтимоли юқори ҳудудларда ўтказилган визуал ва фотовидео кузатув усули ёрдамида табиий кузатув тадқиқоти олиб борилиши натижасида олинган эмпирик маълумотларнинг ишончлилиги тасдиқланди ва инсон ҳаракати оқимининг хусусиятлари аниқланди. Шунга асосланиб, тошқин ҳудудида одамлар ҳаракати турларининг таснифи таклиф қилинди ҳамда уларнинг ҳисобланган даражалари аниқланди. Одамлар фавқулодда вазиятлар вақтида сокин, авариявий ва ўта фаоллашган ҳолатларда турлича тезликда ҳаракатланиши ўтказилган тадқиқотларда маълум бўлди. Инсонларнинг сув тошқин тўғрисидаги хабарни олган вақтида ҳиссий ҳолатдаги ҳаракатларини ўрганиш натижасига асосан, эвакуация масаласидаги

муаммоларнинг илмий асосланган ечими аниқланди.



3-расм. Биноларда горизонтал йўлаклардаги инсонларнинг ҳаракатланиш тезлигини аниқлашнинг тасвирий натижалари келтирилган

Сув тошқин вақтидаги инсонларнинг хатти-ҳаракатларининг тасодифий функция кўринишида, одам оқимлари тезлигининг ҳиссий ҳолат ва зичлик даражасига боғлиқлигининг умумий кўринишини (4) формула ёрдамида аниқлашга эришилди

$$V_D^3 = V_0^3 \left(1 - \alpha \ln \left(\frac{D}{D_0} \right) \right), \quad (4)$$

бунда, V_D^3 – сув тошқинларидан аҳолини эвакуация йўл участкаларида одамлар оқимининг ҳаракат тезлиги, м/дақ; α – инсон оқими вакиллариининг ҳиссий ҳолати; D – эвакуация йўл участкаларида одамлар оқимининг зичлиги, одам/м² ёки п/м²; V_0^3 – вазиятнинг психологик таранглиги таъсирида эвакуация йўли қисми бўйлаб одамлар оқимининг эркин ҳаракатланиш тезлиги α ; α – эвакуация йўл қисмида инсон оқимининг зичлиги тезлигига таъсирининг интенсивлигини кўрсатадиган эмпирик коэффициент; D_0 – эвакуация йўлининг участкаси учун одамларнинг максимал оқим зичлиги қиймати, унга етиб келгандан кейин, одамларнинг ҳаракат тезлигига таъсир қилувчи омил сифатида қабул қилиниши, одам/м².

Сув тошқин вақтида эвакуацияни бошланиши вақти аниқлаш учун зарур бўладиган дастлабки маълумотлар мавжуд бўлмаганда ва огоҳлантириш тизимсиз биноларнинг (иншоотларнинг) $t_{н.э}$ қиймати хавф юзага келганлиги аниқланган қаватлар учун 0,5 дақиқага тенг бўлиши кераклиги, юқори қаватлар учун 2 дақиқани ташкил этиши ўрганилди. Шунини таъкидлаш лозимки, бинолар билан боғлиқ қоидалар мавжуд эмас, шу ўринда, бу $t_{н.э}$ устида тадқиқотлар ўтказиш муҳимлигини эътиборга олиш кераклиги маълум бўлди. Эҳтимолли сув тошқинлари ҳудудларида аҳолини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар давомида аҳолининг сергаклигини ошириш мақсадида, эмпирик маълумотларни йиғиш видео ва фотоқайдномалар ёрдамида оммавий йиғиладиган масканларда одамлар гавжум бўлган вақтда кузатувлар тажрибалари натижалари $t_{н.э}$ вақт бирлигида қуйидаги (5) формула асосида аниқланди.

$$t_{н.э.} = (t_{об} + t_{оп}) + t_o + t_{под}, \quad (5)$$

бунда, $t_{об}$ – сув тошқини тўғрисидаги фавқулодда ҳолатни идрок қилиш вақти, с; $t_{оп}$ – тошқин хавфи тўғрисида хабар бериш вақти, с; t_o – одамларнинг тошқин хавфи тўғрисидаги вазиятни баҳолаш учун зарурий бўлган вақт интервали, с; $t_{под}$ – эвакуация қилиш ёки бинони тошқиндан муҳофазалашга тайёрлаш вақти, с. Эҳтимолли тошқин ҳудудларига тушувчи бинолардаги аҳоли билан кетма-кет ўқув синов тажрибалари ўтказилиб, инсонларнинг томошабинлар залида “ўтирган” ҳолатдан 4-5 сониядан сўнг фавқулодда чиқиш томонга қараб ҳаракатланишга киришиши аниқланди. Шунинг учун, эвакуациянинг дастлабки босқичида одамларнинг ҳосил бўлган оқимлари дарҳол эркин ҳаракат кўрсатгичларига эга эканлигининг ўрганиш таҳлилий тажрибавий натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тошқин ҳудудидаги объектларда одамлар ҳаракатининг оқим зичлиги оралиғидаги ҳаракат таснифи

Зичлик оралиғи, п/ м ²	0–0,05	0,05–0,15	0,15–0,4	0,4–0,7	0,7–0,9	0,9–1,0	1,0–1,15
Ҳаракат шароити	Якка тартибда	Оқимда					
	Эркин	Эркин	Контакт аралашуви сиз	Контактлар аралашуви билан	Кучлар таъсирида		
					Биргаликда	Тана деформацияси	Тана сиқилиши

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида сув тошқин вақтида эвакуациянинг бошланғич қийматларининг тақсимланиш таснифи 2-жадвалда ифодаланган.

2-жадвал

Кузатувларни қайта ишлаш маълумотлари

№	Кўрсатгич ва миқдорлар	Қийматлар
1	Ўртача қийматлар, с	4,4
2	95 % ўртача ишончли оралиқ	min чегара, с
3		max чегара, с
4	Медиана	4,3
5	Дисперсия, с ²	3,98
6	Босқичдаги оғиш, с	2,01
7	Минимал, с	1,92
8	Максимал, с	12,3
9	Ўзгариш доираси, с	10,04

2-жадвалда келтирилган қийматлар таҳлили шуни кўрсатадики, $t_o+t_{под}$ қийматлари ниҳоятда пастлиги эканлиги аниқланган. Бу қиймат 4,4 сонияни ташкил этиши, вариация диапазони 10,04 ташкил этиб, тошқин натижасида муҳофазаланиш мақсадида эвакуация тўғрисида хабарни олгач, барча одамлар томонидан ҳаракатларнинг деярли бир вақтда бошланишининг илмий асосланган варианты аниқланган. Бундай сув тошқини вақтида тезкор ҳаракатланишнинг интенсивлиги максимал даражада бўлиши ва барча

одамларнинг бир вақтда ҳаракатланиши туфайли бинолардан чиқишда тирбандликлар ҳосил бўлиши, эвакуация вақтининг кўпайиб кетишига олиб келиши аниқланди.

Диссертациянинг “**Фалокатли сув тошқини эҳтимолли ҳудудида табиий кузатув ва экспериментал тадқиқотларни ўтказиш**” деб номланган учинчи бобида тажриба ва синовларни ўтказишда, замонавий шароитларда ушбу усулни биноларда турли мақсадлар учун қўллашнинг барча жиҳатлари ва хусусиятлари ҳисобга олинди. Бунинг учун айнан тошқин вақтидаги тезкор вазиятда одамлар ҳаракатининг параметрларини видеотасвирга олишдан олдин керакли жойларда ўранатилган 1x1 м ўлчамдаги махсус панжара ёрдамида аниқланди. Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, фалокатли сув тошқинлари хавфи юзага келганда инсонлар ҳаракат оқимининг n марта тасвир давомида (t вақт давомида) танланган киши n квадрат ичида 1 м (ячейка узунлиги)га тенг зичлиги D (одам/м²) аниқланди. Изланишлар натижасида олинган таҳлилий маълумотларни қайта ишлашнинг навбатдаги босқичи айнан сув тошқини хавфи тўғрисидаги хабарни олган одамларнинг ҳаракатланиш тезлигини аниқлашни ўз ичига олади $V_{пер}$ (м/дақ), уларни кузатиш n та тасвир учун олинган натижалар (6) формулада асосида аниқланади.

$$V_{пер} = \frac{l}{t} \cdot 60. \quad (6)$$

Сув тошқини хавфи ҳудудига тушувчи объектдаги бино эшиги роми олд қисмида узунлиги нолга тенглиги сабаб, бошқа йўл қисмларида тезликни аниқлаш кетма-кетлигидан кескин фарқ қилганлиги учун, биноларнинг хоналар эшик роми олд қисмида одамлар тезлигини аниқлаш алгоритми ўзгача ҳисобланади. Эшик роми олд қисмидан ўтиш вақтида одамлар N_t сони, маълум t вақт оралиғидаги ўтувчиларнинг туриб қолиш (эшик роми олдида) вақт давомийлигидаги D зичлик қийматига боғлиқлиги ўрганилди. Эвакуация жараёнидаги N_t кўрсаткич олинган, аниқ вақт оралиғидаги ўрнатилган оқим зичлиги D (одам/м²) δ (м) эшик роми кенглигидаги q_D (одам/(м/дақ)) ҳаракат интенсивлигини (7) формула бўйича аниқлаш амалга оширилди.

$$q_D = N_t / (\delta \cdot t), \quad (7)$$

Ўтказилган таҳлиллар асосида эшик ромлари қисмида D зичликдаги ҳаракат тезлиги V_D (м/дақ) (8) формула орқали аниқланди.

$$V_D = q_D / D, \quad (8)$$

Сув тошқини содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудларнинг барча коммуникация тармоқлари, одамлар кўп тўпланадиган масканларнинг зинапоялари, эшик ромларининг эвакуация жараёнига таъсири ҳам ўрганилди. Айнан сув тошқини ҳудудида одамлар кўп йиғиладиган масканларнинг зинадан пастга ва горизонтал йўлакда ҳаракатланиш тезлиги 3-ва 4-жадвалларда ифодаланган.

Равон йўлларда аҳоли гуруҳининг ҳаракат тезлигини ўрганиш натижалари

т/р №	Зичлик ва улар оралиғи D, одам/м ²	Кузатувлар сони n	Ўртача тезлиги м/дақ.	Тезлик кўрсатгичининг тарқалиш меъёри, м/ дақ.	Натижалар ишончлилиги 95 %	
					min	max
1	1 гача	150	110,1	16,03	106,8	114,12
2	2 гача	120	68,74	23,21	61,87	75,01
3	3 гача	150	53,45	17,87	52,82	56,04
4	4 гача	120	42,05	11,003	36,01	44,02
5	5 гача	130	33,032	11,0	27,11	38,001
6	6 гача	130	25,31	10,04	23,001	28,98
7	7 гача	120	19,96	11,01	18,98	26,98
8	8 гача	90	16,01	9,7	14,150	18,9
9	9 гача	75	14,1	8,4	12,1	15,21
10	10 юқори	80	8,6	7,5	8,4	11,3

Сув тошқини хавфи ҳудудига тушиш эҳтимоли бўлган объектларда ўтказилган тадқиқотлар давомида олинган маълумотлар кейинги таҳлил учун зарур бўлиб, тезликнинг кетма-кет ўзгарувчан зичликларга боғлиқлиги параметрларини аниқлаш предметиға айланди. Кўрсатилган боғлиқликни режалаштириш тасдиқланган методология бўйича амалға оширилди. Ҳаракат тезлигининг зичликка умумий боғлиқлиги (9) формулада келтирилган.

$$V_D = V_0 \cdot (1 - R), \quad (9)$$

бунда, V_0 – зичлик тезликка ҳеч қандай таъсир қилмаган ҳолатдаги, одамларнинг эркин ҳаракатланиш тезлигининг тасодифий қиймати м/дақ.; R – функция бўлиб, инсонларға сув тошқини натижасида юзаға келадиган ташқи омиллар воситалари таъсирида инсонларнинг ҳиссий ҳолатларига боғлиқ бўлмаган ва D зичликнинг ҳаракат тезлик таъсирини таснифлайди.


4-жадвал

Зинали йўлакларда аҳоли гуруҳининг ҳаракат тезлигини ўрганиш натижалари

т/р №	Зичлик ва улар оралиғи D, одам/м ²	Кузатувлар сони n	Ўртача тезлиги м/дақ.	Тезлик кўрсатгичининг тарқалиш меъёри, м/ дақ.	Натижалар ишончлилиги 95 %	
					min	max
1	1 гача	68	109,02	21,16	104,62	113,45
2	2 гача	64	80,32	16,95	75,12	85,50
3	3 гача	44	56,70	13,63	52,60	60,78
4	4 гача	45	41,14	10,59	38,54	43,74
5	5 гача	48	29,51	11,78	25,27	33,74
6	6 гача	46	20,23	9,61	17,91	22,51
7	7 гача	33	12,51	14,05	10,59	14,42
8	8 гача	29	9,2	8,9	9,4	11,1
9	9 гача	24	4,9	7,8	6,1	9,0


Диссертациянинг тўртинчи боби “Аҳолини муҳофаза қилиш усулларини экспериментал тадқиқотлари натижалари ва эвакуация

тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар” деб номланган. Ушбу бобда химоя усуллари самарадорлигини баҳолаш масалалари ўрганилган. Сув тошқини вақтида турли хил коммуникация йўлларида инсонлар ҳаракатига зичликнинг таъсири натижасида инсонларнинг ҳаракат тезлигининг камайиб бориши ҳам ўрганилган (4-расм).



4-расм. Сув тошқини вақтида инсонлар ҳаракатига зичликнинг таъсири

Ўтказилган тадқиқотлар асосида инсонлар ҳаракатининг ҳар хил тажрибавий йўлакларда ҳаракат интенсивлигининг ўзгариши борасида ўқув амалий синов ўтказилди (5-расм).



5-расм. Сув тошқини вақтида ҳаракат интенсивлигининг ўзгариши тасвири

Кейинги босқич R_T нинг назарий қийматини аниқлашдан иборат бўлиб, бунда, ушбу функция билан қўйидагича таснифланади: $R_T = f(D)$ ва табиий кузатувлар маълумотларига аппроксимация учун танланган. $R=f(D)$ одамлар оқими аралаш таркибининг аппроксимациясига боғлиқлиги, горизонтал йўлдаги ҳаракатда $R = (f)D$ бўлганда боғлиқлик аппроксимациясини ўлчаш натижалари 5-жадвалда акс эттирилди.

5-жадвал

Равон йўлдаги ҳаракатда $R=(f)D$ ҳолатидаги боғлиқликни

яқинлаштириш усули натижалари

Кўрсаткичлар	R функция қиймат зичлигининг D ўртача оралиқдаги ўлчами						
	1-2 одам/ м ²	2-3 одам/м ²	3-4 одам/м ²	4-5 одам/м ²	5-6 одам/м ²	6-7 одам/м ²	
Ўртача қиймат R_D	0,363	0,513	0,614	0,695	0,753	0,802	
Ўртача квадрат фарқ	0,314	0,271	0,312	0,414	0,625	0,484	
Ўртача 95 % ишонч оралиғи	min чегара	0,300	0,384	0,537	0,624	0,692	0,746
	max чегара	0,430	0,621	0,702	0,771	0,807	0,857
Назарий қиймат	0,374	0,531	0,604	0,670	0,726	0,773	
Фарқланиш $\Delta_D = R_T - R_D$	0,012	-0,001	-0,013	-0,021	-0,027	-0,031	
$\Delta_D / R_D \cdot 100\%$	2,737	-0,194	-1,940	-3,444	-3,585	-3,987	
Назарий корреляция нисбати η_T	0,9						

Гидротехник иншоотларнинг аварияси натижасида юз бериши мумкин бўлган ва эҳтимолли тошқинлар ҳудудидаги объектларда ўтказилган синов ва экспериментлар асосан, меҳнатга лаёқатли ёшдаги инсонлардан иборат. Гидротехник иншоотларнинг бузилиши натижасида фалокатли сув тошқинларида инсонларнинг ҳаракат оқими назарияси орқали инсон ҳиссий ҳолатига қараб, эвакуация қилинувчилар ҳаракатининг тегишли тоифаси аниқлаб олинди (6-расм).



6-расм. Сув тошқини содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудда одамлар оқими аралаш таркибининг аппроксимациясига боғлиқлик натижалари

Ҳар бир ҳиссий ҳолат турлича ҳаракат тезлигига эга эканлиги ўрганилди. Гидротехник иншоотларнинг аварияси натижасида юзага келадиган хавфли омиллар таъсиридан одамларнинг ҳиссий ҳолат даражасига қараб, иншоотлардаги зинапояларда, эшик роми олдида ва горизонтал йўллардаги ҳаракат тезликлари ўзгариб бориши аниқланди. Ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар бўйича сув тошқини эҳтимоли мавжуд ҳудуддаги бинолар хоналарининг эвакуация чиқиш йўллари ўлчамларини аниқлаш масаласини ечиш имконини берди. Сув тошқини хавфи эҳтимоли юқори бўлган ҳудудларда жойлашган объектлар зинапояларидан эвакуация чиқиш йўлакларига одамларнинг эркин шинам, сокин, фаол, ўта фаол ҳолатдаги ҳаракат

тезлигининг тажриба натижалари таҳлили б-жадвалда келтирилган.

б-жадвал

Одамларнинг эркин ҳаракатланиш тезлиги

№	Ҳаракат тоифаси	Одамларнинг эркин ҳаракатланиш тезлиги V_0 , м/мин
1	Шинам (комфорт)	75,9 катга ҳолатида
2	Сокин	76,9 дан 88,01 гача
3	Фаол	88,01 дан 104,99 гача
4	Ўта фаол	104,99 дан 126,01 гача

Тошқин эҳтимоли юқори бўлган ҳудудлардаги объектларни лойиҳалашда йўлаклардаги ҳаракатлар кенглиги йиғиндиси (10) формула ёрдамида аниқланди.

$$\sum b_{\text{чик}} = N/q_{D_{\text{max}}} \cdot t_{\text{бл}}, \quad (10)$$

бунда, N –бино сифими (ҳисоблаш бўйича – 0,7 м²/одам), одам; $q_{D_{\text{max}}}$ – одамлар оқими интенсивлиги (олинган натижалардан 90 одам/м²·дақ.) (одам/м²) максимал зичликда; $t_{\text{бл}}$ – йўлларнинг сув тошқини вақтида тирбанд бўлиб бекилиши вақти (хоналарга $t_{\text{нб}}=1,4$ дақ., яъни, 84 с).

Гидротехник иншоотларнинг бузилиши натижасида юзага келадиган эҳтимолли сув тошқини ҳудудидаги оммавий йиғиладиган масканларда одамларнинг демографик таркибини инobatга олган ҳолда, сув тошқини эҳтимоли юқори бўлган иншоотларни лойиҳалашда ҳаракат чекланган тоифадаги аҳоли учун қулай эргономик шароитларини эътиборга олиш зарурлиги ҳам ўрганилди. Гидротехник иншоотларнинг бузилиши натижасида хавфли ҳудудлардан аҳолининг тезкор муҳофазасини ташкил этиш, шунингдек, аҳолини хавфсиз эвакуациясини таъминлашда ногиронлар араваси кенглиги ($b=0,9\text{м}$) ва ҳаракат оқимига пропорционал ҳолда, одам елка кенглиги ($b=0,6\text{м}$) йиғиндисидан кам бўлмаган эвакуация йўлакларини меъёрлаш варианты ҳам тадқиқ этилди.

ХУЛОСАЛАР

“Гидротехник иншоотлар аварияси билан боғлиқ фалокатли сув тошқинлари юзага келганда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация асосида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Жиззах вилояти, “Жиззах” сув омбори ҳудудида жойлашган аҳолини сув тошқинларига тайёрлаш учун намуна сифатида ўтказилган “Хабар” автоматик хабар бериш тизими орқали, сув тошқини толафатларини тўлқин ҳаракати оқим фронтини инobatга олиб, аҳолини тезкорлик билан эвакуация қилишни синовдан ўтказиш ҳамда сув тошқини вақтида инсонларнинг хатти-ҳаракатларининг тасодифий функция кўринишида, одам оқимлари тезлигининг ҳиссий ҳолати ва зичлик даражасига боғлиқлигини ўрганиш борасида ўтказилган ўқув амалий синов тажрибалари, аҳолини тезкор эвакуацияга

тайёрлаш ишлар самарадорлик ҳажмини 25-30 % гача яхшилаши илмий жиҳатдан асосланди.

2. Гидротехник иншоотларнинг аварияси натижада фалокатли сув тошқинларидан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш усуллари кенг қўллаш орқали ўтказилган тадқиқотлар натижасида амалий ва назарий хулосалар олинган. Сув тошқини оқибатларини қисқа вақт ичида бартараф этишга жалб этиладиган фуқаро муҳофазаси хизматларининг куч ва воситаларининг энг оптимал таркиби ва сони аниқланиб, илмий жиҳатдан асосланди, куч ва воситаларидан унумли фойдаланилган ҳолда авария қутқарув ишларини ташкиллаштиришнинг самарадорлик ҳажмини 15-20% гача яхшилашга эришилган.

3. Гидротехник иншоотларнинг эксплуатацияси давомида аҳоли ва ҳудудларни бу иншоотларнинг бузилиши натижасида фалокатли сув тошқинларидан муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг функционал ва ҳудудий куйи тизимлари томонидан фаолият режимларида шошилиш ва бошқа кечиктириб бўлмас тадбирларни ташкиллаштиришнинг янги ва самарали механизми ишлаб чиқилишига эришилган.

4. Фалокатли сув тошқинлари келтирадиган зарар ва аҳолининг жабрланиши, уларнинг яшаш шароитларининг бузилиши, муҳандислик, коммуникация тизимларининг ишдан чиқиши ўз вақтида олиб бориладиган авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар мажмуини илмий ёндашган ҳолда амалга ошириш, инсонлар ҳалок бўлиш ҳолатларини камайтириш, аҳолини муҳофаза қилишнинг янги усуллари қўллаш орқали иқтисодий самарадорлик эришилиши илмий исботини топди.

5. Сув тошқини натижасида юзага келган фавқулодда вазиятларда аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш, фуқаролар саломатлиги ва инсонлар ҳаётий фаолиятини хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилган, тадқиқотлар натижасида, фалокатли сув тошқинларидан аҳолини муҳофаза қилишнинг янги усули ишлаб чиқилишига эришилган. Таклиф этилаётган усул сув омборлари тошқини ҳудудидаги аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар республикадаги сув омборлари атрофида яшовчи аҳоли ҳудудларига татбиқ этилиши эвазига ҳудудларнинг муҳандислик муҳофазасини таъминлаш самарадорлигини 18-20% гача яхшиланди.

6. Сув тошқинларидан аҳолини эвакуация қилишда барча турдаги интервалли зичлиги мавжуд бўлган коммуникация йўлларида инсонларнинг ҳаракат тезлиги ўрганилди. Натижада турли тоифадаги одамларнинг ҳаракат таҳлиллари асосида, сув тошқинлари эҳтимоли юқори бўлган ҳудудларда аҳолини ўз вақтида тезкорлик билан тўғри ва марказлашган ҳолда эвакуация қилиш тизими такомиллаштирилди, талофатлар ва инсонларнинг ўлими эҳтимолини 20-22% гача камайтириш имконияти яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ Р^hD. 40/30.12.2020.Т.129.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА ПО
ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АКАДЕМИЯ МИНИСТЕРСТВА ПО ЧРЕЗВЫЧАЙНЫМ СИТУАЦИЯМ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

МИРЗАКАБИЛОВ БЕКБОЛАТ САФАРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СПОСОБОВ ЗАЩИТЫ
НАСЕЛЕНИЯ И ТЕРРИТОРИИ ПРИ КАТАСТРОФИЧЕСКОМ
ЗАТОПЛЕНИИ В РЕЗУЛЬТАТЕ РАЗРУШЕНИЯ
ГИДРОТЕХНИЧЕСКОГО СООРУЖЕНИЯ**

**05.10.02 - Безопасность в чрезвычайных случаях. Пожарная, промышленная,
ядерная и радиационная безопасность,**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (Р^hD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020. 4. PhD/T2022.

Диссертация выполнена в Академии Министерства по чрезвычайным ситуациям Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице (www.ipb.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научные руководители: Ибрагимов Бахром Тошмуратович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Хотамов Асадулла Тоштемирович
доктор технических наук, профессор

Абдурахманова Азода Джураевна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета №PhD.40/30.12.2020. Т. 129.01. по присуждению ученых степеней при Академии МЧС Республики Узбекистан 29 декабря 2021 г. в 10:00 часов. (Адрес: 100102, г. Ташкент, улица Дусллик, дом-5. Тел. (99871) 258-35-33; факс: (99871) 258-56-57, e-mail: info@akademiyafvv.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии МЧС Республики Узбекистан (зарегистрирован за № 6). Адрес: г. Ташкент, улица Дусллик, дом №5. Тел.: (99871) 258-35-33; факс: (99871) 258-56-57. e-mail: info@akademiyafvv.uz.

Автореферат диссертации разослан 15 декабря 2021 года
(Реестр протокол рассылки № 1 от 29 октября 2021 года)



Ш.Э. Курбанбаев

Заместитель председателя ученого совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., с.н.с.

Х.М. Дусматов

Учёный секретарь ученого совета по присуждению учёных степеней, к.т.н., профессор

Ф.Н. Нуркулов

Заместитель председателя учёного семинара при учёном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одно из ведущих мест в плане нанесения ущерба населению и территориям занимают наводнения, возникающие в результате чрезвычайных ситуаций, связанных с аварией гидротехнических сооружений. В прошлом 2020 году в мире объем материального ущерба, нанесенного в результате эвакуации 4,264 миллиона человек из зоны катастрофических наводнений достиг 254 миллиардов долларов США.¹ В настоящее время в мире существуют свыше ста тысяч потенциально опасных водохранилищ и обеспечение безопасности граждан, проживающих вокруг них, подготовка населения, находящегося в зоне риска наводнений к эвакуации в безопасную зону, нахождение с позиций научного подхода решения проблемы разработки механизма централизованного осуществления эвакуации населения и внедрение ее в практику также является одним из важных проблем. Вопрос совершенствования способов защиты населения и территорий, быстрой эвакуации при возникновении наводнений и разрушения водохранилищ вследствие увеличения объема катастрофических наводнений, связанных с аварией гидротехнических сооружений и урона от них, требует проведения обширной исследовательской работы.

Большинство гидротехнических сооружений в мире представляют собой водохранилища, которые в основном предназначены для выработки электроэнергии, орошения сельскохозяйственных культур и борьбы с весенними паводками и играют важную роль в государственной экономике. В то же время гидротехнических сооружений остаётся одним из источников потенциально опасных объектов, оказывающих негативное влияние на жизнь населения, проживающего на близлежащих территориях, сельскохозяйственную инфраструктуру и нарушающих жизнь населения.

Повышение эффективности масштабов системного проведения организационно-практических мероприятий осуществляемых в области обеспечения устойчивости гидротехнических сооружений, считающихся потенциально опасными объектами и их безопасной эксплуатации имеет важное значение также и в нашей республике. В связи с этим, возникает необходимость проведения научно-исследовательских работ в области повышения эффективности работ, направленных на обеспечение инженерной защиты территорий с высоким риском катастрофического наводнения, возникающего в результате разрушения гидротехнических сооружений, обеспечение безопасности населённых пунктов и экономических отраслей с высоким риском наводнения, уменьшение потерь населения от наводнений, размера экономического и экологического ущерба, нанесенного окружающей среде, совершенствование аварийно-спасательных и других неотложных работ.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан от

¹ <http://www.rshu.ru/university/notes/archive/issue43/uz43-26-38.pdf>

7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в постановлениях ПП-2947 от 2 мая 2017 года «О программе мер по дальнейшему развитию гидроэнергетики на 2017-2021 годы» и ПП-3286 от 25 сентября 2017 года № «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», от 26 августа 2020 года №515 «О дальнейшем совершенствовании государственной системы предупреждения и действий в чрезвычайных ситуациях Республики Узбекистан» и в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии Республики VIII «Наука о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. Из зарубежных ученых, вопросами внедрения и совершенствования способов защиты населения от наводнений, вызванных в результате аварии гидротехнических сооружений занимались Л.А.Гордон, В.Н.Дурчева (Белоруссия), А.П.Епифанов, Л.А.Золотов, Н.Н.Розанов, О.Д.Рубин, А.И.Савич, В.С.Серков, Д.В.Стефанишин, (Россия), В.З.Хейфиц, С.Г.Шульман (Германия), Д.А.Ивашинцов, А.Б.Ващенко, Г.М.Каганов В.И.Щербина (Украина). Исследовательские работы по совершенствованию теории и практики повышения надежности плотин водохранилищ проводились Ю.М.Косиченко, В.В.Малахановым, А.Н.Марчуком, Ю.Б.Мгалобеловым, О.Н.Носовой, В.В.Ореховым, Д.Б.Радкевичом, Л.Н.Рассказовым и другими. Исследования по разработке новых методов защиты населения и территорий проводились И.Ф. Блиновым, В.И. Бронштейном, А.Г. Василевским, А.Б. Векслером, В.И.Волковым, В.А. Волосухиным, Е.Г. Газиевым и другими.

В нашей республике исследования в области защиты населения от катастрофических наводнений, повышения устойчивости гидротехнических сооружений выполнялись А.Л.Холматовой, Е.И.Оролбоевым, Т.А.Сарсенбековым, Е.С.Бадашевым, А.Н.Зыряновым, Н.А.Абдуллаевым, К.Т.Баллиевым, Т.Т.Камаловым, Б.Б.Хасановым. М.Р.Бакиевым, Э.Махмудовым и другими.

Эти исследования основаны на исследованиях безопасности населения и территории от катастрофических наводнений, вызванных авариями на гидротехнических сооружениях, и полученные аналитические данные показывают, что проведено недостаточно исследований для подготовки населения к защите и экстренной эвакуации.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполняется диссертация.

Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательского плана Академии МЧС Республики Узбекистан и

практического проекта БВ-Атех 2015 «Повышение эффективности инженерной защиты населения и территории в чрезвычайных ситуациях» (2015-2018 г.).

